

# O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgz.t.uz, uzss@yandex.ru • 2018 йил 21 сентябрь • № 37 (1214)

## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг Б У Й Р У Ф И

2018 йил 17 сентябрь

№ 556

Тошкент шаҳри

### Ўзбекистон Республикаси давлат бюджет маблағлари ҳисобига 2019 йилда таянч докторантура ва докторантурада ўқитиш учун қабул режасини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджет маблағлари ҳисобига 2019 йилда таянч докторантура ва докторантурада ўқитиш учун қабул режасини тасдиқлаш ва қабулни амалга ошириш мақсадида **бюраман:**

1. Тиббиёт олий таълим муассасалари, илмий-текшириш институтлари, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида 2019 йил учун таянч докторантура ва докторантура қабул режасининг муассасалар бўйича тақсимоти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Фан ва тиббий таълим Бош бошқармаси бошлиғи (Ҳ. Исмаилов) 2019 йил учун таянч докторантура ва докторантура қабул режаси бўйича эълонни "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана" газетасида чоп этишни ташкил этсин.

(Давоми 4-бетда).

3. Тиббиёт олий таълим муассасалари ректорлари, илмий-текшириш институтлари, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари директорлари:

таянч докторантура ва докторантурага қабулни 2019 йил учун тасдиқланган режа асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 304-сонли қарориди талабларга қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширишни таъминласин;

танловда иштирок этувчилар ҳужжатларини жорий йилнинг 18 сентябридан 15 октябригача қабул қилсин ва улар тўғрисидаги маълумотни 2-иловага мувофиқ жорий йилнинг 16 октябрида вазирликнинг Фан ва тиббий таълим Бош бошқармасига тақдим этсин;

таянч докторантура ва докторантурага кириш имтиҳонлари жорий йилнинг 1-25 ноябрь

кунлари ўтказилсин ҳамда қабул қилинганлар тўғрисидаги маълумотни 3-иловага мувофиқ, қабул бўйича режанинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотни 4-иловага мувофиқ жорий йилнинг 7 декабрига қадар Фан ва тиббий таълим ҳамда Иқтисодиёт, молиялаштириш ва истиқболни аниқлаш Бош бошқармаларига топширилишини таъминласин;

таянч докторантура ва докторантурага қабул қилинганларни 2019-2021 йилларда ҳисоб-китоблар ва бюортмалар асосида белгиланган тартибда молиялаштирилишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир в.в.б. Б. ЮСУПАЛИЕВ

## Халқаро алоқалар

### ТЕДРОС ГЕБРЕЙЕСУС: «ЎЗБЕКISTONDA TИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ТАЙЁРМИЗ»



Италия пойтахти Рим шаҳрида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюросининг 68-сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди.

Сессияда тиббиёт соҳасида глобал даражадаги масалалар атрофлича кўриб чиқилди. Чунончи, экологиянинг дунё халқлари саломатлигига таъсири, озик-овқат стандартлари, бирламчи тиббий ёрдамнинг ўрни ҳамда турли юқумли касалликларнинг олдини олиш, шунингдек, дори-дармон нархлари, тамаки ва алкоголь истеъмолнинг зарарлари, жисмоний фаолликнинг аҳамияти, семиришнинг оқибатлари кенг муҳокамалар марказида бўлди. Тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов **Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Тедрос Гебрейесус билан учрашди.** Му-



лоқот чоғида юртимизда сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш тизимидаги ижобий ўзгаришлар, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар даражасининг оширилаётгани, шунингдек, соҳада қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар, истиқболдаги режа ва дастурлар ҳақида маълумот берилди. Ўз навбатида Тедрос Гебрейесус ҳам аҳоли саломатлигини асрашни асосий устувор вазифа сифатида белгилаш бу келажак авлодлар камолга етишининг энг тўғри йўли эканлигини таъкидлади. Шу маънода, Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар гамхўрликнинг барча зарур жиҳатларини қамраб олганлиги билан қўллаб-маълумотларга намуна бўлишни эътироф этди. Шунингдек, у ЖССТ ва Ўзбекистон ўртасида мамлакатимиз манфаатларини ҳимоя қилувчи кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга доимо тайёр эканини ҳамда Ўзбекистонга амалга ошириладиган ташрифни интиқлик билан кутаётганини билдирди.

Делегация аъзолари Россия, Беларусь, Туркия, Қозғистон, Арманистон, Озарбайжон, Қирғизистон ҳамда Тожикистон давлатларининг делегатлари билан ҳам келгусида ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда истиқболли режалар ҳусусида икки томонлама самарали учрашувлар ўтказди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Ахборот хизмати.

## Соғлом аёл ойлиги Тошкент вилояти

### НАФАҚАТ ШИФОКОР, ҲАР БИР ФУҚАРО ОЛДИДАГИ ДОИМИЙ МАСЪУЛИЯТ

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлатимизнинг устувор вазифаларидан биридир. Шу боис, давлатимиз томонидан мазкур йўналишда қанчадан-қанча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинаётганлиги ва улар замирида соғлом онадан – соғлом фарзандлар дунёга келишини таъминлашда мазмун-моҳият муҳассамлиги, бу албатта, жамиятимиз тараққиётини белгилаб берувчи мустақам пойдевор ҳисобланади. Шундай экан, бу долзарб масала ҳар бир фуқаро олдидаги бугунги кун талаби эмас, балки доимий масъулиятдир.



ги тизимида самарали натижалар ҳам қўлга киритилди. Бирок, бунинг баробарида ечимини кутаётган муаммолар ҳам

йўқ эмас. Мазкур муаммоларни бартараф этиш мақсадида жорий йил бошида Ўзбекис-

(Давоми 2-бетда).

Таъкидлаш муҳими, бу борада Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирли-



# ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов Беларусь Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Валерий Малашко бошчилигидаги делегация билан учрашди. Дўстона руҳда ўтган мулоқотда тиббиёт соҳасида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш борасида қўллаб-қувватлаш имкониятлар мавжудлиги алоҳида эътибор қаратилди.


ватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, фармацевтика тармоғини ривожлантириш, санитария-эпидемиология, клиник ва профилактика тиббиёт ҳамда тиббий радиология йўналишида

яқиндан танишмоқдалар.

Хабар қилинганидек, Беларусь Республикаси Президентини Александр Лукашенконинг юртимизга расмий ташири доирасида икки мамлакат ҳуку-

да идоралараро суд-тиббий фаолият соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим" ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилик ва Беларусь Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилик ўртасида идоралараро соғлиқни сақлаш



Жумладан, тиббиёт соҳасини модернизация қилиш, бу борада инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, тиббий таълим ва кадрлар тайёрлаш ҳамда бошқарув соҳасида ахборот тизимини ривожлантириш бўйича тажриба ал-

машиш каби йўналишларда фаол ҳамкорлик йўлга қўйилди. Шунга қўра, тиббиёт таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари ўртасида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича таълим соҳасидаги ҳамкорликни қўллаб-қув-

ҳам фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотларни ривожлантириш каби соҳаларда тажриба алмашиш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, делегация аъзолари ташири доирасида юртимизнинг қатор тиббиёт муассасалари фаолияти билан ҳам

мат ва вазириликлар ўртасида қатор икки томонлама муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Ушбу ҳужжатлар қатори "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилик ва Беларусь Республикаси Давлат суд экспертизаси қўмитаси ўртаси-

ва тиббиёт фани соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим" ҳам имзоланди.

**Соғлиқни сақлаш вазирилик Ахборот хизмати.**  
**Суратлар муаллифи Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.**

## Соғлом аёл ойлиги

# НАФАҚАТ ШИФОКОР, ҲАР БИР ФУҚАРО ОЛДИДАГИ ДОИМИЙ МАСЪУЛИЯТ

## Тошкент вилояти

тон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган Қўшма қарор ижросини таъминлаш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирилик бир қанча вазирилик ва идоралар билан ҳамкорликда фаолиятлар йўлга қўйилди. Унинг доирасида "Саломатлик мактаблари" ташкил этилиб, жойларда аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, шунингдек, маҳалла, умумтаълим мактаблари ва мактабга таълим муассасаларида соғлом турмуш

лишига сабаб бўлди. Келинг, шу ўринда масаланинг яна бир жиҳатига ойдинлик киритсак. Она ва бола саломатлигини асраш халқимиз тушунчасига қараганда гўёки биргина тиббиёт ходимлари жавобгар. Аммо қарс икки қўлдан чиқади, чунки инсон соғлиги, аввало, унинг ўзига ҳам боғлиқ. Шунга қарамай жойларда бўлиб ўтаётган тиббий кўриқларда аҳолининг фаоллиги қўтилган даражада эмас. Бундай ҳолатлар 2018 йилнинг 10 сентябрида Соғлиқни сақлаш вази-

**Қуни кеча** Тошкент вилоятининг Паркент туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси ҳамда унга қарашли бўлган "Заркент" 47- ва "Сўқок" 46-сонли қишлоқ оилавий поликлиникаларида бўлганимизда "Соғлом аёл ойлиги" бўйича ўтказилаётган тадбирларга талаб даражасида тайёргарлик кўрилмаганлигининг гувоҳи бўлдик. Ташрифимизни, аввало, бирлашманинг кўп тармоқли марказий поликлиникасидан бошладик. Муассасанинг иккинчи қаватида кўтарилганимизда бир гуруҳ аёлларга кўзимиз тушди. Улар Соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 11 июндаги "Ўзбекистон Республикасида аёллар, болалар ва ўсмирларга самарали акушер-гинекологик хизматини ташкиллаштириш ҳамда кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш тўғрисида"ги 386-сонли буйруғи ижроси бўйича ташкил қилинган "Аёллар маслаҳатхонаси"га тиббий кўриқдан ўтиш учун навбатда туришар эди. Қўшма қарор ижросини таъминлаш бўйича мониторинг гуруҳи масъули Нилуфар Рўзиева акушер-гинеколог Гулнора Асилбекова билан суҳбатда бўлиб, унинг иш жараёнини кўздан кечириб, қабулдаги ҳомиладор аёлларга саволлар билан мурожаат этди. Шунингдек, «Қизлар саломатлиги маркази»да бўлганимизда у ерда фаолият олиб бораётган ёш мутахассис томонидан олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмаслиги боис, унга услубий ёрдам кўрсатиб, зарурий тавсиялар берди.

Сўнгра, "Заркент" 47-сонли қишлоқ оилавий поликлиникасида бўлганимизда, у ерда бирорта мурожаат этиб келган фуқаронини учратмадик. Муассаса шифокорларининг айтишига қараганда, аҳоли куннинг эрталабки қисмида тиббий кўриқдан ўтган. Аммо ушбу маълумот бўйича бир нафаргина шифокор



беш нафар фертил ёшидаги аёлларни барча мутахассислар кўригидан ўтганлиги бўйича тиббий варақасида қайд этганлигини кўрсата олди. Қолган мутахассислар эса "Соғлом аёл ойлиги" доирасида ўтказилаётган тадбирлар ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмаслиги аён бўлди. Шу ернинг ўзиде поликлника ходимларига мазкур тадбир бўйича ишлар режаси ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланиши зарурлиги айтилди.

"Сўқок" 47-қишлоқ оилавий поликлиникасига кириб борганимизда муассасада бир нафар фаррош ҳамда қоровулдан бошқа мутахассисларни кўрмадик. Бир соатдан кўпроқ вақт ораллида этиб келган уч нафар шифокор тақдим этган "Соғлом аёл ойлиги"га боғлиқ ҳужжатлар талабга жавоб бермади. Айни кунда вақтинча поликлиника мудири лавозимиде фаолият юритаётган Жамолддин Усмо-

нов ҳам берилган саволларга тўлақонли тарзда жавоб бера олмади. Текширишлар натижаси шуни кўрсатдики, аввало, рўйхат шакллантирилмаган, аҳолининг хабардорлиги таъминланмаган. Ишчи гуруҳи томонидан мавжуд камчиликлар ўрганилиб, Паркент туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси мудирига ҳудуддаги 47-сонли қишлоқ оилавий поликлиникасини 23-26 сентябрь кунлари мобайнида УТТ аппарати ҳамда бир нафар кардиолог мутахассиси билан таъминлаш топшириғи берилди.

Шунингдек, Юқори Чирчиқ туман тиббиёт бирлашмасининг кўп тармоқли марказий поликлиникасида бўлганимизда мазкур ойлик тадбири муассасанинг "Аёллар маслаҳатхонаси" фаолияти доирасидагина ўтказилаётганлиги маълум бўлди.

**Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ушбу ҳолатларнинг юзга келиши ҳудудлардаги мутасаддилар Соғлиқни сақлаш вазирининг 549-сонли буйруғида белгилаб берилган вази-фалар ҳақида етарли даражада хулосага келмаган. Мазкур ойлик тадбири эса жорий йилнинг 20 октябрга қадар давом этади. Шундай экан, бу каби эзгу мақсадларга қаратилган тадбирларни талаб даражасида ташкил этишга бошқа ҳудудлардаги мутасаддилар масъулият билан ёндашди, деган умиддамиз.**

**Ибодат СОАТОВА.**



тарзига оид тарғибот ишлари кучайтирилиб, ижтимоий тадбирлар кенг тарзда олиб борилди. **Лекин кузатишлар таҳлили натижасида ҳақли савол тўғрисида.** Ҳўш, ушбу фаолиятлар қай даражада ўзини оқлатяпти ёки улар ижроси маълум муддатга белгиланганими? Афсуски, бу каби тадбирлар айрим масъуллиги бўлган шахар ва вилоятлардагина маълум бир муддатда қизгинлик билан олиб борилган бўлса, баъзи бир олий ҳудудларда қарор моҳияти бутунлай эътибордан четда қолганлиги юқоридаги саволларнинг туғи-

рининг 549-сонли буйруғи асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 1 ноябрдаги "2016-2020 йилларда Ўзбекистонда оналик ва болалик муҳофазаси қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда амбулатор поликлиника муассасалари томонидан аҳолига қўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария ёрдами сифатини такомиллаштириш, жумладан, жойларда туғиш ёшидаги аёлларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш, оралар ва болалар ўлимининг олдини олиш мақсадида ташкил этилаётган "Соғлом аёл ойлиги" тадбирлари мобайнида ҳам кўзга ташланмоқда.

**(Давоми. Боши 1-бетда).**



Конференция

# СОҶА ТАРАҚҚИЁТИДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

**Сир эмаски, бугун мамлакатимиз ҳар томонлама тараққиёт сари интиломда. Мазкур йўналишда олиб борилаётган фаолиятлар ва улардан кўзланган натижалар жамият фаровонлигини таъминлашга қаратилгандир. Жамият фаровонлигига эса халқ манфаатларига хизмат қилувчи ҳар қандай соҳани такомиллаштириш орқали эришилади. Таъкидлаш керакки, аҳоли саломатлигини асраш, уларга кўрсатилган тиббий хизматлар, айниқса, ихтисослашган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш бу борадаги устувор вазифалардан бири ҳисобланади.**

сион усулларига бағишланган маърузам билан иштирок этдим. Бу айни пайтда эндокринологларнинг кун тартибда турган асосий масаладир. Ҳамкорлик алоқалари эса ўзaro тажриба алмашиш, янгиликларни ўз вақтида амалиётга татбиқ этиш имконини беради. Мамлакатимиз мутахассислари билан тажрибаларимиз яхши давом эттирилмоқда ва уларнинг самарадорлиги ҳам эътирофга лойиқ. Биз бу борада дастлабки қадамни қандли диабет билан хасталанган беморларнинг ҳаётини яхшилаш мақсадида офтальмолог, кардиолог ва хирургларнинг билим ва кўникмаларини бирлаштиришдан бошлашни келишиб олдик. Мазкур тадбир доирасида шулардан келиб чиққан ҳолда асосий масалалар, яъни замонавий ёндашувлар асосида хасталикни эрта аниқлаш ҳамда унинг асоратларини бартараф этишнинг инновацион усулларини муҳокама қилдик.

**Yoon Kun HO,**



ни даволаш алгоритмига кўра кўриб чиқилади. Маърузалар давомида эса қанд миқдорини пасайтирувчи препаратларнинг замонавий таснифи берилди. Углевод алмашинувининг бузилишларини муваффақиятли хал қилиш учун юқоридаги потен-

**Маълумот ўрнида**  
Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра эндокрин касалликларининг орасида қалқонсимон без касалликлари қандли диабетдан сўнг иккинчи ўринда туради. Дунёда 665 миллион нафар одам эндемик буқоқ ёки бошқа қалқонсимон без касалликларидан азият чекишяпти. 1,5 миллиард нафар киши эса йод танқислиги хасталиги хавфига дуч келмоқда.

**Замира ҲАЛИМОВА,**  
Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари:

– Қалқонсимон без касалликлари дунё тобора кенг тарқалиб бораётган хасталиклар таркибига киради. Танадаги йод миқдорининг меъёр даражаси ёшга қараб ўзгаради. Йод етишмовчилиги эса қалқонсимон без гормонларни ишлаб чиқишининг камайишига сабаб бўлади ва бу ўз ўрнида танада метаболизмнинг бузилишига олиб келади. Натижада, қалқонсимон безда киста ва тугунчалар пайдо бўлишига мойиллик ортади. Мазкур касалликка қарши кураш ва уни олдини олишнинг энг самарали йўли бу – профилактика. Бундан ташқари, беморларнинг тиббий билимларини ошириш бўйича уларни ҳам ўқитиб бориш режалаштирилмоқда. Мақсади-миз, ушбу касалликлар билан нафақат тор мутахассислар, балки умумий амалиёт шифокори, гинеколог, терапевт ҳам бевосита алоқадор бўлиши керак. Фаолиятлар қўтилган даражада натижа бериши шубҳасиз, сабаби, беморларнинг ўзларида курашувчанлик юқори бўлиши ёки профилактика жараёнида касалликка мойиллиги кучлиларни олдиндан аниқлаб, ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилса хасталикнинг олдини олиш имкони мавжуд, албатта.



**Сеул шаҳридаги Мукаддас Марьям госпиталининг профессори:**

– Бугунги кунда қандли диабет хасталигининг 2-тури тиббиёт мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Унинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолатлар у ёки бу мамлакат эмас, жаҳон тиббиётини ҳам

циалга эга бўлган ва ноҳўя таъсир ўтказмайдиган антигипергликемик препаратларни қўлаш керак. Шунингдек, касалликни даволашнинг замонавий усулларидан яна бири метаболлик синдромининг барча таркибий қисмларини бартараф этишга қаратилган чора, яъни тана вази-ни ва қондаги глюкоза миқдорини меъёр даражасида сақлаш,



ташвишига солмоқда. Қолаверса, ушбу тур касалликларига қарши курашнинг энг тўғри ечими – уни имкони борича эрта аниқлаш ва тўғри тахсис қўйишни ташкиллаштиришдир. Қандли диабет 2-турини даволашда мақбул ечим бу – углевод алмашинувининг компенсациясини яхшилашдир. Сабаби, ушбу амалиёт ёрдамида диабетнинг кечки асоратлари – артериал гипертензия, юрак ишемика касаллиги, қўриш қўбилияти бузилиши, сурункали буйрак етишмовчилиги кабилар ривожланишининг олди олинади. Ҳозирги кунда қандли диабет 2-турига қарши беморларни даволашда ишлатиладиган қанд миқдорини пасайтирувчи препаратлар ва гуруҳлари, углевод алмашинувининг бузилишлари-

гиперлипидемияни бартараф этиш, артериал босимнинг нормал кўрсаткичларини таъминлашдир. Даволувчи шифокор булар ҳақида чукур маълумотга эга бўлиши керак.

**Таъкидлаш керакки, илмий-амалий конференция доирасида 17 сентябрь кuni Жанубий Кореянинг етакчи клиникалари шифокорлари ҳамда марказ мутахассислари иштирокида қалқонсимон без касаллигининг тугуни ўсмаларида кам инвазив жарроҳлик амалиётларини муваффақиятли бажариш бўйича маҳорат дарслари ташкил қилинди. Умуман олганда, марказ фаолиятида халқро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш борисида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, амалиётга замонавий усуллари татбиқ этиш, илмий йўналишда олиб борилаётган изланишларни янада такомиллаштириш мақсадида Жанубий Корея, Украина, Туркия, Буюк Британия, АҚШ, Россия, Чехия сингари давлатларнинг етакчи марказ ва клиникалари билан ҳамкорлик алоқаларини изчил давом эттирмоқда.**

**Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.**  
Муаллиф олган суратлар.



Жорий йилнинг 17-18 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан академик Ё. Туракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан "Dalim Pharma tech" компанияси ҳамкорлигида "Эндокринологияда инновациялар" мавзусида ташкил этилган илмий-амалий конференция айни шу мақсадларнинг ижроси муҳокамасига бағишланди.

Жанубий Корея давлатининг нуфузли тиббиёт клиникаларидан ташриф буюрган профессор-олимлар, марказ мутахассислари ва худудларда фаолият юритаётган эндокринолог-шифокорлар иштирок этган тадбирни марказ директори, профессор Анвар Алимов кириш сўзи билан очиб, қандли диабет турлари билан

кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаб, марказ ва унинг жойлардаги филиаллари фаолиятини такомиллаштириш, амалиётга юқори технологияли асбоб-ускуналарни олиб кириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, хорижий етакчи клиника ва мутахассислари билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш борасида ўтган давр мобайнида бажарилган кўламли ишларга эътибор қаратди. Шундан сўнг, хорижий мутахассислар қандли диабетнинг 2-турига қарши инновацион ёндашувлар асосидаги муолажа усуллари, хасталик асоратларининг ривожланиши ва касалликнинг олдини олиш, қанд миқдорини пасайтирувчи препаратларнинг замонавий таснифи борасида турли маъруза ҳамда тақдиротларини иштирокчилар эътиборига ҳавола этди.



хасталанган беморлар саломатлигини яхшилаш, касалликка эрта тахсис қўйиш ва унинг олдини олиш бўйича мамлакатимиз тиббиёти ҳамда халқро тажрибалар тўғрисида тўхталиб ўтди. Шунингдек, сўнгги икки йил мобайнида соҳада амалга оширилган изчил ислохотлар, бунинг натижасида амалиётга жорий этилаётган замонавий даволаш усуллари, йўлга қўйилган халқаро ҳамкорликлар, шу билан бирга, тизим олдида турган вазифалар хусусида сўз юритди. Ушбу вазифалар ижросини таъминлашда Президентимиз томонидан 2017 йил 20 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси аҳолисида 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам

**Choe Jun HO,**  
Samsung тиббиёт клиникаси профессори:  
– Бугунги кунда жаҳон тиббиёти қанчалик тараққий этмасин, қандли диабет касаллиги ижтимоий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса, охириги йилларда касаллининг оғир асоратларга олиб келувчи тури тобора ортиб бормоқда. Оқибати ўлим ҳолатларига сабаб бўлувчи асосий омиллардан бири сифатида кейин учинчи ўринда турувчи мазкур хасталик афсуски, дунёнинг бошқа мамлакатларига караганда Осиё давлатларида кескин ривожланимоқда. Шунинг учун бу борадаги фаолиятларни ҳамкорликда олиб бориш мақсадида мувофиқ деб биламан. Конференцияда қалқонсимон бездаги жарроҳликнинг иннова-



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг  
Б У Й Р У Ф И

2018 йил 17 сентябрь

№ 556

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджет маблағлари ҳисобига  
2019 йилда таянч докторантура ва докторантурада ўқитиш учун  
қабул режасини тасдиқлаш тўғрисидаСоғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 17-09 даги  
556-сонли буйруғига 1-иловаСоғлиқни сақлаш вазирлиги буйича 2019 йилда таянч докторантура  
ва докторантурага давлат бюджети маблағлари ҳисобига қабул  
режасининг муассасалар буйича

## ТАКСИМОТИ

№	Муассаса номи	Шифр	Ихтисослик номи	Таянч докторантура ўринлар сони	Докторантура ўринлар сони
1	Тошкент тиббиёт академияси	14.00.01	Акушерлик ва гинекология	2	
		14.00.03	Эндокринология	1	
		14.00.04	Оториноларингология	1	
		14.00.05	Ички касалликлар	2	
		14.00.07	Гигиена	1	
		14.00.08	Офтальмология	1	
		14.00.09	Педиатрия	1	1
		14.00.12	Тиббий реабилитология	1	
		14.00.13	Неврология	2	
		14.00.15	Патологик анатомия	1	
		14.00.18	Психиатрия ва наркология	1	
		14.00.20	Тиббий генетика	1	
		14.00.21	Стоматология	1	
		14.00.22	Травматология ва ортопедия	1	
		14.00.23	Ҳамширалик ишини ташкил этиш	1	
		14.00.27	Хирургия	2	1
		14.00.29	Гематология ва трансфузиология	1	
		14.00.30	Эпидемиология	1	
		14.00.33	Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш	2	
		2	Тошкент педиатрия тиббиёт институти	14.00.36	Аллергология ва иммунология
14.00.38	Спорт тиббиёти			1	
19.00.04	Тиббий ва махсус психология			1	
14.00.01	Акушерлик ва гинекология			1	
14.00.03	Эндокринология			1	
14.00.04	Оториноларингология			1	
14.00.05	Ички касалликлар			2	
14.00.06	Кардиология			1	
14.00.08	Офтальмология			1	1
14.00.09	Педиатрия			2	
14.00.10	Юқумли касалликлар			2	
14.00.13	Неврология			1	
14.00.18	Психиатрия ва наркология			1	
14.00.24	Суд тиббиёти			1	
14.00.26	Фтизиатрия			1	
14.00.28	Нейрохирургия			1	
14.00.35	Болалар хирургияси			1	
3	Тошкент фармацевтика институти	14.00.17	Фармакология ва клиник фармакология	1	
		15.00.01	Дори технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш	3	
		15.00.02	Фармацевтик кимё ва фармакогнозия	1	
4	Тошкент давлат стоматология институти	15.00.03	Фармацевтика ишини ташкил этиш		1
		14.00.19	Клиник радиология	1	
5	Тошкент врачлар малакасини ошириш институти	14.00.21	Стоматология	7	1
		03.00.04	Микробиология	1	
		14.00.04	Оториноларингология	1	
6	Андижон давлат тиббиёт институти	14.00.08	Офтальмология	1	1
		14.00.13	Неврология	1	
		14.00.35	Болалар хирургияси	1	
		14.00.04	Оториноларингология	1	
		14.00.06	Кардиология	1	
		14.00.10	Юқумли касалликлар	1	
7	Бухоро давлат тиббиёт институти	14.00.13	Неврология	1	
		14.00.14	Онкология	1	
		14.00.18	Психиатрия ва наркология	1	
		14.00.27	Хирургия	1	
		14.00.02	Морфология	1	
		14.00.05	Ички касалликлар	1	
		14.00.07	Гигиена	1	
		14.00.08	Офтальмология	1	
		14.00.21	Стоматология	2	1
		14.00.22	Травматология ва ортопедия	1	
14.00.27	Хирургия	2			
14.00.31	Урология	1			
14.00.36	Аллергология ва иммунология	2			

(Давоми. Боши 1-бетда).

8	Самарқанд давлат тиббиёт институти	14.00.04	Оториноларингология	1	
		14.00.05	Ички касалликлар	1	
		14.00.06	Кардиология	1	
		14.00.13	Неврология	1	
		14.00.21	Стоматология	1	
		14.00.35	Болалар хирургияси	1	
9	Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази	14.00.27	Хирургия	1	
		14.00.34	Юрак ва қон-томир хирургияси	1	
10	Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази	14.00.01	Акушерлик ва гинекология	1	
		14.00.11	Дерматология ва венерология	1	
11	Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази	14.00.05	Ички касалликлар	1	
		14.00.26	Фтизиатрия	1	
12	Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий амалий тиббиёт маркази	14.00.04	Оториноларингология	1	
		14.00.09	Педиатрия	2	
13	Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази	14.00.06	Кардиология	1	
		14.00.27	Хирургия	1	1
		14.00.35	Болалар хирургияси	1	
14	Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази	14.00.03	Эндокринология	2	
		14.00.14	Онкология	1	
15	Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази	14.00.06	Кардиология	1	
		14.00.27	Хирургия	1	
		14.00.35	Болалар хирургияси	1	
16	Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази	14.00.06	Кардиология	1	
		14.00.28	Нейрохирургия	1	
17	Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази	14.00.05	Ички касалликлар	1	
		14.00.06	Кардиология	1	
18	Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази	14.00.05	Ички касалликлар	1	
		14.00.28	Нейрохирургия	1	
19	Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази	14.00.05	Ички касалликлар	1	
		14.00.22	Травматология ва ортопедия	1	
20	Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази	14.00.08	Офтальмология	1	
		14.00.29	Гематология ва трансфузиология	1	
21	Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази	14.00.10	Юқумли касалликлар	1	
		14.00.10	Юқумли касалликлар	1	
22	Гематология ва қон куйиш илмий - текшириш институти	14.00.07	Гигиена	1	1
		14.00.07	Гигиена ва касб касалликлари ИТИ		
23	Вирусология илмий-текшириш институти	14.00.07	Гигиена	1	1
		14.00.07	Гигиена	1	1
24	Санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИ	14.00.07	Гигиена	1	1
		14.00.07	Гигиена	1	1
25	Жами			110	9

(Давоми 5-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг  
Б У Й Р У Ф И

2018 йил 17 сентябрь

№ 556

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси давлат бюджет маблағлари ҳисобига  
2019 йилда таянч докторантура ва докторантурада ўқитиш учун  
қабул режасини тасдиқлаш тўғрисида**

Соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 17-09 даги  
556-сонли буйруғига 2-илова

Соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 17-09 даги  
556-сонли буйруғига 3-илова

Муассаса номи нинг 2019 йилга таянч докторантура ва докторантурага  
қабул танловида иштирок этувчилар тўғрисида  
МАЪЛУМОТ

Муассаса номининг 2019 йилга таянч докторантура ва докторантурага  
қабул режаси бўйича қабул қилинганлар тўғрисида  
МАЪЛУМОТ

№	Ф.И.О.	Битирган ОТМ, йўналиши, йили	Мутахассислиги (магистратура ва х.к.)	Хужжат топширган мутахассислиги

№	Фамилияси, исми шарифи	Миллати	Туғилган йили ва жойи	Қайси олий ўқув юртини битирган, йили	Мутахас- сислиги	Қабул қилинган мутахассислиги	Диссер- тацияси мавзуси	Илмий Раҳбари, унинг илмий даражаси
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Муассаса раҳбари Ф.И.О.

Имзо

Муассаса раҳбари Ф.И.О.

Имзо

Соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 17-09 даги  
556-сонли буйруғига 4-илова

Муассаса номи нинг 2019 йилга таянч докторантура ва докторантурага қабули бўйича режанинг бажарилиши тўғрисида  
МАЪЛУМОТ

Давлат Аккредитаци- ясида ўтказилган барча мутахассис- ликлар шифри	Тўлиқ штатдаги илмий раҳбарлар сони (ф.д/ф.н)	Хужжат Топшир- ганлар сони	2019 йилга қабул режасининг бажарилиши			2018 йилда тугатганлар/ муддатда химоя билан тугатганлар сони	2019 йилнинг 1 январига катта илмий ходим-изланувчилар сони/аёллар			
			Қабул режаси	Қабул қилинди	Бажари- лиши, %		1 йил	2 йил	3 йил	Жами/ аёллар
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

Муассаса раҳбари Ф.И.О.

Имзо

(Давоми. Боши 1,-4,- бетларда).

Эътироф

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ЯНА  
БИР ПОҒОНА ЮҚОРИЛАДИ**

Маълумки, Вазирлар Маҳкамаси томонидан давлат ҳоки-  
мияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини  
таъминлаш, фаолиятини мувофиқлаштириш ва мони-  
торингини олиб бориш бўйича жамоатчилик кенгаши  
шакллантирилган. Ушбу кенгаш экспертлар иштирокида  
давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятининг  
очиқлигини мониторинг қилиб, баҳолаш натижа-  
ларини ҳар йили икки мартаба эълон қилиб боради.



Бугун "Тараққиёт стратегия-  
си" марказида Давлат ҳоки-  
мияти ва бошқаруви органла-  
рининг "Очиқлик индекси"  
бўйича навбатдаги рейтинг  
эълон қилинди. Унинг натижа-

ларига кўра, Соғлиқни сақлаш  
вазирлиги 64.30 балл билан мам-  
лакатимиздаги 45 та давлат ҳоки-  
мияти ва бошқаруви органи ора-  
сида — 4 ўринни, 21 та вазирлик  
ичида эса 3-ўринни эгаллади.

Ўтган галги рейтинг баҳолаш-  
да Соғлиқни сақлаш вазирлиги-  
га давлат ҳокимияти ва бошқа-  
руви органлари орасида 5-ўрин  
берилган эди. Жорий йил 1 июл-  
гача бўлган даврни ўзида ифо-  
далаган "Очиқлик индекси" рей-  
тинги 45 та давлат ҳокимияти ва  
бошқаруви органини қамраб  
олди.

Шу пайтгача рейтинг баҳо-  
лашда фақат давлат органлари  
фаолиятининг очиқлигини таъ-  
минлаш бўйича амалга оширил-  
ган ишларга эътибор қаратилган  
бўлса, жорий йилдан бу ишлар-  
нинг сифати ва сони, унинг са-  
марадорлигини баҳолаш каби  
янги мезон асосида ўтказилди.  
Бунда, энг аввало, давлат ҳоки-  
мияти органлари раҳбариятининг  
кенг аудитория билан мулоқоти,  
учрашув, матбуот анжуманлари,  
брифинглардаги бевосита ишти-  
роки, ахборот хизматлари фао-  
лияти ва ижтимоий тармоқларда-  
ги фаоллиги ҳамда аҳоли муро-  
жаатларини ўз вақтида қаноат-  
лантирилганига алоҳида урғу бе-  
рилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги



"Давлат ҳокимияти ва бошқару-  
ви органлари фаолиятининг  
очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбе-  
кистон Республикасининг қону-  
нида белгиланган талабларга  
тўлиқ риоя қилган ҳолда фао-  
лият олиб бормоқда. Бунда ва-  
зирлик Матбуот хизмати фуқа-  
роларнинг ижтимоий аҳамиятга  
молик ахборотлардан фойдала-  
ниш ҳуқуқини кафолатлаш, дав-  
лат органлари ва аҳоли ўртаси-  
да ўзаро ахборот алмашишнинг

аниқ механизмларини яратиш  
бўйича қатор амалий ишлар  
олиб бормоқда.

Маълумот учун, ушбу рей-  
тингдаги учликни Адлия ва-  
зирлиги, Ахборот технологи-  
ялари ва коммуникациялари  
ни ривожлантириш вазирли-  
ги ва Марказий банк эгаллаб  
турибди.

Соғлиқни сақлаш  
вазирлиги  
Ахборот хизмати.



**СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ**

Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа туман  
тиббийёт бирлашмасига қарашли 60-сонли қишлоқ  
оилавий поликлиникаси "Оқчақул" овул фуқаролар  
йиғини ва "Тўпроққалъа" маҳалла фуқаролар йиғини  
худудидаги 7 минг нафардан ортқ аҳолига сифатли  
тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Шифо масканида беморларни тиббий кўриқдан ўтказиш,  
ташхис қўйиш, стационар ҳамда амбулатор шaroитда даво-  
лаш учун барча шарoит яратилган. Хусусан, автоклав, лабо-  
ратория, стоматолог, педиатор, гениколог ва кундузги даво-

лаш хоналари замонавий жиҳозланган. Аҳолига вақти-  
да шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш учун "DAMAS" ру-  
сумли янги автомашина билан таъминланган. Шунинг-  
дек, поликлиника қошида ижтимоий дорихона ҳам та-  
шкил этилган.

— Патронаж ҳамширалари хонадонларга бориб бола-  
лар, ҳомилдор аёллар, ногиронлар ва кексалар сало-  
матлигини доимий назорат қилади, — дейди оилавий  
поликлиника мудираси Роза Ражабова.

ЎзА.



## Сфера здравоохранения

## ЭФФЕКТ НАУЧНЫХ РАЗРАБОТОК

Руководством страны уделяется огромное внимание развитию системы гематологической и трансфузиологической помощи населению.


Огромная ответственность в решении поставленных государством задач возлагается на коллектив Научно-исследовательского института гематоло-

гов, многие из которых прошли курсы переподготовки и повышения квалификации по терапии гемопозитическими стволовыми клетками в зарубежных научно-

успешно произвести высокотехнологичную терапию собственными стволовыми клетками-аутологическую трансплантацию стволовых клеток.

Мировой опыт доказал, что стволовые клетки выполняют функцию строительного материала: изначально они не относятся к какому либо органу, но обладают способностью неограниченно делиться, а при делении могут превращаться в клетки, выполняющие функцию определенных органов тела, способствуют обеспечению восстановления тканей. Соответственно их потенциальное применение имеет универсальный характер.

Пересадка собственных гемопозитических стволовых клеток представляет собой весьма сложный процесс, включающий в себя предварительный этап забора клеток пациента, их хранение в замороженном виде, специальную обработку и вливание пациенту после проведения высокодозной химио- или лучевой терапии, — рассказывает главный врач Научно-исследовательского института гематологии и переливания крови, доктор медицинских наук Абдурахмон Каюмов. — На каждом



процесс может длиться от трех до четырех месяцев. После достижения ремиссии, пациент в течение одной недели проходит курс мобилизации стволовых клеток с последующим их сбором и замораживанием на определенный срок. После недолгого перерыва он проходит курс подготовительной терапии для обратного вливания собственных стволовых клеток. С момента начала подготовительного режима до повышения уровня влитых собственных кле-

пасной и распространенной, исключая любые риски и иные побочные эффекты.

Во всем мире данный вид операционного лечения считается крайне серьезным и дорогостоящим. Его освоение узбекскими учеными позволит нашим соотечественникам победить болезни и недуги, сэкономить значительные денежные средства.

Сегодня ученые и специалисты Научно-исследовательского института гематологии и



гии и переливания крови Министерства здравоохранения Республики Узбекистан. Его специалисты оказывают специализированную медицинскую помощь населению, занимаются обеспечением пациентов донорской кровью и ее компонентами, осуществляют организационную, научно-исследовательскую, методическую и практическую деятельность, занимаются руководством всей гематологической и трансфузиологической службы страны.

Мы подробно изучаем специфику гематологических заболеваний, разрабатываем и внедряем современные методы их лечения, — рассказывает директор института Аънон Саидов. — Неуклонно повышаем качество лечебно-диагностических и профилактических мер, осуществляем подготовку востребованных кадров, расширяем международное сотрудничество.

Структура института состоит из диагностической клиники, научных и лечебных подразделений, где трудятся семь докторов и более двадцати кандидатов наук, а также десятки врачей и научных сотрудников. Это сплоченная команда специали-

исследовательских центрах.

Благодаря поддержке государства здесь создана материально-техническая база, позволяющая проводить трансплантацию стволовых клеток, диагностику и лечение других органов и тканей, в частности гемобластозов. В рамках Соглашения между Министерством здравоохранения Республики Узбекистан и Турецким Агентством по сотрудничеству и развитию (ТИКА) на базе института создан Центр трансплантации стволовых клеток костного мозга.

Для этого турецкими партнерами было предоставлено медицинское оборудование и приборы на один миллион семьсот тысяч долларов США.

Отметим, что действующий согласно международным требованиям и рекомендациям Всемирной организации здравоохранения Центр трансплантации стволовых клеток является единственным не только в Узбекистане, но и во всей Центральной Азии. К настоящему времени в Центре более 200 больным mielomной болезнью проведены стандартные химиотерапии, а 23 пациентам с mielomной болезнью и двоим с лимфомой впервые в Центральной Азии удалось



из перечисленных этапов могут возникнуть различные осложнения, поэтому на протяжении всего курса лечения пациент находится под строгим наблюдением врачей, жизнедеятельность его организма поддерживается при помощи эффективных лекарственных препаратов.

С момента установления диагноза больной должен получить от четырех до шести курсов полихимиотерапии. Этот

тогда до показателей крови физиологической нормы в результате их деления (ТИКА) на базе инграфмана пройдет еще один месяц с последующим наблюдением в амбулаторных условиях.

Добавим, что аутологичная трансплантация доказала высокую эффективность в лечении всех гематологических неоплазий и злокачественных опухолей, признана наиболее безо-

переливания крови занимают разработкой и внедрением еще более эффективных методов лечения. К примеру, осваиваемая ими технология аллогенной трансплантации стволовых клеток крови даст наибольшие шансы на излечение лейкемии, множественных миелом, лимфом, миелодисплазий и миелофиброза.

Х. УБАЙДУЛЛАЕВ,  
Фото автора.

## Миннатдорлик

ДИЛ ТАШАККУРИМ  
СИЗЛАРГА

40 йил давомида ёшларга немис тили фанидан таълим бериб келдим. Давлатимиз томонидан меҳнатларим қўллаб-қувватланиб, олий тоифали ўқитувчи ҳамда «Халқ таълими аълочилиси» кўкрак нишони соҳиби бўлдим. Оллоҳга шукрлар бўлсинки, ҳозирда 71 ёшдаман. Утган йили нафақада бўлсамда, фермер ҳўжалигидан 1,5 гектар ер олиб, пахта эқдим ва терим мавсумида зиммамдаги масъулиятни ошири билан бажардим. Афсуски, иш жараёнида ички аъзоларимда оғриқ сезсамда, ўтиб кетар дея эътибор бермабман. Тўсатдан, бел соҳамда кучли оғриқни ҳис қилдим. Аҳволим оғирлашган, фарзандларим Шахрисабз туман тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлимига олиб боришди. Малакали шифокорлар текширувдан сўнг, зудлик билан хирургик операция қилиш лозимлигини айтишди. 2018 йилнинг 24 июнь кuni тажрибали хирург Бекмурод Рўзиев, Тўлқин Эшматов ва Хайрулла Эшматовлар мени анча йиллардан буён ҳаётимга ҳавф солиб келаётган дарддан халос этдилар. Жарроҳлик амалиёти муваффақиятли амалга оширилиб, саломатлигим тикланди. Айниқса, оғир операциядан сўнг кардиолог Маҳмуджон Тўраев, Дилшода Қўшшаева, катта ҳамшира Эътибор Тўрақулова, бир-биридан қаққон ва меҳрибон ўрта тиббиёт ходимлари Гулнора Тошева, Нилуфар Аҳмедовалар куну тун ҳолимдан хабар олиб, ўз меҳнатларини аямадилар. Шунингдек, туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Ойбекжон Бўриев ҳамда мени дарддан фориг этган халоскорларимдан бир умр миннатдорман. Ана шундай фидойи, жонкуяр тиббиёт ходимлари бахтимизга омон бўлишларини ва қўллари дард кўрмаслигини Оллоҳдан тилаб қоламан.

Эшпўлат ЯРАШЕВ,  
Қашқадарё вилояти.

БАХТИМИЗГА ОМОН  
БЎЛИНГ ШИФОКОРЛАР

Яқинда соғлигимни тиклаш мақсадида Республика ихтисослаштирилган терапия ва реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида даволандим. Айниқса, ушбу шифо масканида яратилган шароит ҳамда малакали мутахассисларнинг даволанувчиларга бўлган меҳрибонлигини қўриб, бахтимизга ана шундай саломатлик посбонлари соғ бўлишини, дея қўлларимни дуога очдим. Аввало, биз каби кексаларни саломатлигини, турмуш шартини ҳар томонлама яхшилашда бош бўлаётган Президентини Шавкат Мирзиёевга кексиз хурматини изхор этаман. Шунингдек, тезда соғайиб оилам бағрига қайтишда ўзларининг беминнат хизматларини аямган марказ директори ҳамда кардиология соҳасида чуқур билим ва тажрибага эга бўлган тиббиёт фанлари доктори Баҳром Аляви, неврология бўлими бошлиғи Бўрибой Рўзиқулов, малакали шифокор Дилором Наҳмиддинова, қўли энгли массажчи Аҳрор Орифжонов, катта ҳамшира Гулшан Мирзоитова, қаққон ҳамшира Василя Шодиева ва Дилфуза Носировалар меҳнатидан миннатдорман. Ўз касбига фидойиллик ва меҳр билан ёндашаётган аҳил жамоанинг бундан кейинги ишларига омад, ўзларига эса тан-сиҳатлик тилаб қоламан.

Шухрат МУҲАММЕДОВ,  
меҳнат фахрийси  
Тошкент шаҳри.



Сўраган эдингиз

# ЙЎҒОН ИЧАК САРАТОНИ:



Йўғон ичакнинг кўтарилувчи чамбар (қориннинг ўнг қисмидан пастанд тепага қараб ўтган), кўндаланг чамбар ичак (ингичка ичак билан туташади ва қориннинг тепа қисмида горизонтал жойлашган), паства тушувчи чамбар ичак (қориннинг чап қисмида жойлашган ва юқори бурчакдан паства ўтган) ва тўғри ичак билан яқунланади. Кўпинча йўғон ичак саратоми сигмасимон ичакнинг қўйи қисмида ва тўғри ичакда юзага келади. Упка саратонидан сўнг ушбу касалликдан вафот этиш даражаси иккинчи ўринда туради. Шубҳали ҳолатларда колоноскопия текшируви ўтказиш зарур бироқ йўғон ичак саратоми ташхиси учун биопсия олиш зарурдир. Йўғон ичак саратоми кўпинча ичакнинг юзасидан чиқиш жойига қараб ўсувчи аденомадан (безисмон хужайралардан иборат зарарсиз ўсимта) ривожланади. Аденоманинг катталиги деярли сезилмайдиган ҳажмдан кенглиги бир неча сантиметргача бўлади. Саратон хужайралари ичакнинг ички қисмига қараб ҳам ўсиши мумкин. Аденома қанчалик йирик бўлса, унда саратон хужайраларининг юзага келиши хавфи ҳам шу қадар юқоридир. Хавфли ўсимта кичик ҳажмли бўлса касалликнинг белгиларсиз ўтиш даври бир неча ойдан бир неча йилгача давом этади.

Йўғон ичак саратонининг юзага келишининг асосий сабаблари маълум эмас. Баъзи тадқиқотчилар бунда парҳез, яъни овқатланиш режими муҳим аҳамият касб этади деб ҳисоблашади. Бир қатор тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, овқатланиш рақсониди етарлича ўсимлик тўқималари, мева ва сабзавотлар бўлмаган, оқсил ва ёғлар миқдори эса кўп бўлган (кўплаб индустриал шахарлар аҳолисига хос овқатланиш) одамларда йўғон ичак саратоми касаллиги нисбатан кўпроқ кузатилади. Нотўғри овқатланишнинг саратон ривожланишига қай тарзда таъсир қилиши эса аниқланмаган, бироқ олимларнинг фикрича, бу ёғларнинг ҳазм бўлиши ва ичакнинг бўшаши учун кетадиган вақтнинг миқдорига боғлиқ бўлиши мумкин. Алкоголь ичимликлар, айниқса, пиво ҳамда вино истеъмол қилувчиларда эса йўғон ичак саратоми билан касаллини хавфи янада юқори бўлади. Унинг таъсир механизми ҳам аниқланмаган. Бунда ирсият ҳам муайян роль ўйнаши мумкин, чунки беморнинг оилавий анемнезиди бўлиши ҳам учраб туради.

## КАСАЛЛИК БЕЛГИЛАРИ

Ичак фаолиятининг бузилиши, тўғри ичакдан қон кетиши, қориннинг қўйи қисмидаги оғриқлар, қабзият, инсон тана массасининг камайиши, камқонлик, нажаснинг ҳажми ва шаклининг ўзгариши. Усманинг ўсиши ва белгилари турли хил бўлиб, унинг жойлашган жойига боғлиқ бўлади.




## АСОРАТЛАР

Йўғон ичак саратоми касаллиги хавфли касалликдир. Ушбу касаллик билан оғриган беморларнинг 1/3 қисми ўз вақтида мутахассис шифокорга мурожаат қилмаса одатда вафот этишади. Касаллик эрта босқичларда аниқланганда кўп ҳолларда беморлар тузалиб кетадилар. Агар йўғон ичакдаги зарарли ўсмалар даволанмаса, у бошқа органларга ҳам ўтиб кетади ва ўлимга олиб келади.

### Йўғон ичак саратонининг юзага келиш омилини куйдагилар саналади:

- илавий анемнезиди белгилари;
- йўғон ичакдаги полиплар;
- ярали колит ҳамда ичакнинг бошқа яллиғланиш касалликлари.



Йўғон ичак саратонининг олдини олиш мақсадида алкоголь истеъмолини чеклаш, таркибида оқсил ҳамда ёғ миқдори кўп бўлган маҳсулотлар истеъмолини камайтириш, рақсонда ўсимлик толалари ҳамда мураккаб углеводлар миқдорини ошириш лозим. Касалликнинг эрта аниқланиши, бу албатта самарали даволашида муҳим омил ҳисобланади. Ҳар бир киши 50 ёшдан ўтганидан сўнг ҳар йили нажасда қон миқдорини текшириши лозим. Шунингдек, уларга 2-3 йилда бир марта проктосигмоидоскопия ва колоноскопия текширувидан ўтиш тавсия қилинади.


Ҳамроқул БОБОҚУЛОВ,  
Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассиси, тиббиёт фанлари номзоди.

# УНИНГ ДАВОСИ БОРМИ?

Йўғон ичак саратоми – хавфли касаллик ҳисобланиб, ичакнинг йўғон ичак (ичакни ингичка ичак бўлинмаси бўшаладиган қисми) ҳамда тўғри ичакдан йўғон ичакнинг охириги қисмидан иборат бўлган йўғон қисмининг ҳар қандай бўлинмасида пайдо бўлиши мумкин.

## ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ

Агар белгилар йўғон ичак саратонининг мавжудлигини кўрсатса, шифокор зарурий текширувларни ўтказиши. Бунда қон таҳлили (анемия мавжудлигини аниқлаш, махсус генетик маркерни аниқлаш мақсадида), компьютер томографияси, сканерлаш, рентгенологик тадқиқот ва колоноскопия ўтказилади.



Кичик полипларни олиб ташласа бўлади, биопсия учун намуналарни колоноскопия вақтида ҳам олиш имкони бор.

Йўғон ичак саратоми жарроҳлик йўли билан даволанади, бунда ўсма ҳамда унинг барча хужайраларидан халос бўлиш мақсадида ичакнинг тепа ва қўйи қисмидан бир қисми олиб ташланади. Одатда ичакнинг иккала қисми ҳам ўсиб кетади, ва шундан кейин ичак тўғри ишлаб бошлайди. Тўғри, ичак саратоми баъзи ҳолатларда колостома (йўғон ичакнинг дистал қисми тана юзасига чиқарилиши) талаб қилинади. Бироқ янги усулда ингичка ичакнинг бир қисми тўғри ичакнинг шаклланишида қўлланилади ва бу колоноскопия эҳтиёжини камайтиради.

Нур терапия одатда жарроҳлик амалиётидан сўнг, айниқса, тез ривожланаётган саратонда қўлланилади. Жарроҳликдан сўнг кимётерапиянинг қўлланилиши ҳам кенг ўрамоқда, айниқса, саратоннинг бошланиш босқичида, малигнизация натижасида лимфа тўқималари катталашганда. Жарроҳликдан кейинги даволашни ҳам ўз ичига олувчи комплекс даволаш ўлим ҳолатларини 1/3 қисмга камайтиради.

Яқинда ўтказилган тадқиқотларга кўра, асосан мева, сабзавотлар ҳамда дуккакли ўсимликлар истеъмоли қилиб йўғон ичак саратонининг олдини олиш мумкин. Тўғри овқатланиш таркибида кўп миқдорда ўсимлик толалари, бетакаротен, А ва С витаминларини ўз ичига олади. Бир қатор витаминлар мавжуд бўлиб, улар антиоксидант ҳисобланади ҳамда тўқималарнинг оксидланмаган маҳсулотлар билан зарарланишининг (липидларнинг перекис оксидланиши натижасида) олдини олади, улар эса баъзи олимларнинг фикрича, йўғон ичак саратонининг юзага келиш хавфини оширади.

## Тиббий кўрик

# ҲАМКОРЛИҚДА 100 НАҒАРГА ЯҚИН БЕМОР КЎРИҚДАН ЎТКАЗИЛДИ



қаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош клиник фармаколог мутахассиси Максим Максимов 100 га яқин беморни тиббий кўриқдан ўтказиб, зарур тавсиялар берди.

– Бугунги тадбирдан кўзланган мақсад, ўзбекистонлик шифокорлар билан тажриба алмашиш баробарида аҳоли саломатлигини сақлашга ўз ҳиссамизни қўшиш, – дейди профессор Максим Максимов. – Мамлакатингизда тиббиёт соҳасида рўй бераётган ўзгаришлар алоҳида эътирофга сазовор. Ўзбекистон ва Россия ўртасида бу соҳада ўзаро ҳамкорлик ришталари янада мустаҳкамланаётганидан мамнунмиз.

Ташриф сўнигида вилоят даволаш профилактика муассасалари терапевт, кардиолог ва УАШ мутахассис-



лари иштирокида семинар бўлиб ўтди. Унда россиялик шифокор "Артериал гипертензияни ташхислаш ва

даволашда замонавий ёндашувлар" мавзусида маъруза қилди.

Жиззах шаҳар кўп тармоқли тиббиёт марказида Россия Федерацияси Қозон давлат тиббиёт академиясининг клиник фармакология кафедраси профессори, Татаристон Республи-



Тиббиёт тарихига бир назар

## САВОБГА ЙЎҒРИЛГАН ИБРАТЛИ УМР



Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор, тиббиёт фанлари доктори, профессор Шабот Хўжаев ҳамда профессор Малика Хўжаевалар 2018 йилда нашрдан чиқарилган «Аср остонасидаги шифохона» номли китобларида кўп қиррали соҳа мутахассислари, шу жумладан, юқумли касалликлар бўйича шифокорларнинг маҳорати, касбига садоқати, минглаб беморларнинг дардига даво бўлиб, умрларига умр бахшида этишлари борасидаги хизматларини баён қиладилар.

Китобнинг сўз бошида профессор Шабот Хўжаев қуйидаги фикрларни билдириб ўтадилар.


XX асрнинг бошларида илм-фан тараққиётида олимлар яратган кашфиётлардан унумли фойдаланган давлатларда мисли кўрилмаган ижобий натижаларга эришилди.

Агар ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон тиббиётининг бугунги раўнақи оламшумул воқеаларга бой бўлиб, ҳар йили тарих зарварларидан ўзгача ўрин олиб келмоқда. Бундай асрга татигулик ноёб манбаларни авлоддан авлодга етказиш машаққатли меҳнатни талаб этади.

Айни давр ва келажақ ёш авлод билмоғи зарурки, ўтган асрлардан бошлаб 20-30 йилларгача Туркистон аҳолисининг саводи, илмий савияси нисбатан сайёз бўлганлиги, Республиканинг илм-фан соҳасидаги аҳоли ачинарли даражада бўлгани ҳам аччиқ ҳақиқат. Шу даврда бир ғуруҳ ўзбек зиёлилари Европа давлатларидаги ижобий янгиликларни, Европа фуқароларининг саводли эканликларини, дунёқарашларидаги жиддий ривожланиш ҳар жиҳатдан устунлигини англаёт диллар. Ушбу ижобий тараққиётни аввало, фуқароларнинг юқори онгли, ўқимишли бўлганлиги тўғрисида эришганликлар билан изоҳладилар.

Бу дунёда тирик жон борки – омонатдир. Ҳаёт афсус абадий эмас. Умр санокли йиллар ва кунлар билан ўлчанган. Шуниси аниқки, дунёга келиш бор экан, унинг қачондир қайтиши бор. Бу ҳақиқатни англаб этиш зийрак ўқувчи учун табиий ҳолат. Чунки, туғилиш ва дунёдан ўтиш каби бор ҳақиқатни эслаш ўтган умрга тўғри қараш демакдир.

Инсониятнинг диққат марказида бўлган, аммо касалликларни даволаш ва бартараф этиш мушкул бўлган XIX асрнинг охиригача келиб, ушбу ҳолат асосан илмий жиҳатдан ўрганила бошланган. Жумладан, касалликни вужудга келтирувчи манбаларнинг жа-



миятда тарқалиши йўлларини ва унинг моҳиятини ўрганиб, тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга тавсиялар бериш йўлга қўйилган. Олинган натижалар асосида даврнинг допишманд давлат раҳбарлари, соҳага зарур бўлган мутахассис олимлар ишлаб чиққан тавсияларни қабул қилиб тегишли чора-тадбирлар кўра бошладилар.

Жумладан, юқумли хасталикка дучор бўлган беморларнинг алоҳида касалхонада даволаниши учун Тошкент шаҳрида махсус шифохона қурилиши режалаштирилган ва натижада меъмор – муҳандислар тавсиясига биноан 500

ўринлик шифохона лойиҳаси ҳам тайёрланган. 1927 йилда шаҳарнинг чегара қисми бўлиши Тахтапудда 20 гектарлик майдонда 2 корпуслик шифохона зарурий ҳўжалик бўлими билан қурилиб, 1929 йилдан беморларни қабул қила бошлаган. Шифохона юқумли касалликка чалинган беморларни хасталик турига нисбатан бир-биридан алоҳидалаштирилган 15 та бўлим ва 15 та бокслардан ташкил топган эди...

Биринчи юқумли касалликлар шифохонасида беморларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш жараёнида олимлар ҳамда шифокорларнинг яқин ҳамкорлиги намойён бўлди. Улар олиб борган илмий изланишлар натижалар кўлами жуда кенг эди. Уша пайтда 1-юқумли касалликлар шифохонасини бамисоли академиянинг бўлимлари даражасидаги масканга қиёсласа бўлади.

2000 дан ортиқ илмий мақолалар, амалиёт учун қўллаб-ўқувчи қўлланмалар, монографиялар, 300 га яқин фан номзодларини яратган ушбу маскан табаррук. Тошкент 1-юқумли касалликлар шифохонаси илм-амалиёт жамоасининг илмий изланишлар маҳсули ушбу шифохонада даволанган беморлар мисолида намойён бўлди.

Юқорида айтиб ўтилган, ҳатто қисқа маълумотлардан ҳулоса шуки, 1-шаҳар юқумли касаллик-

Азиз китобхон! Биз қисқа бўлсада устознинг фикрларини эътиборингизга ҳавола этдик. Агар ушбу китобни олиб ўқисангиз, мундарижадан ўрин олган тарихий манбаларга бай бўлган тиббиётнинг юқумли касалликлар йўналишидаги қимматли маълумотларга эга бўласиз, деган умиддамиз.

Ибодат СОАТОВА.



лар шифохонаси минглаб беморларга шифо бахш этиши билан бирга тиббиёт фанининг ривожланишида ҳам асосий маскан бўлганлигини исботлади. Қолаверса, ушбу масканга раҳбарлик қилган қўллаб-ўқувчи хизматларини, илм-фан масканига айланган шифохона хотирлар эканман, ёшим 90 дан ошган шифокор олим сифатида таъкидлаш олам: нафақат Ўзбекистонда, ҳаттоки Марказий Осиёда бу шифокорларга тенг келадиган шифохона йўқ ва шаҳсан ўзим бунга бир неча бор амин бўлганман.

Здоровая мать – здоровый ребенок

## В СТРАНЕ СТАРТОВАЛ МЕСЯЧНИК ЗДОРОВОЙ ЖЕНЩИНЫ

Организованная Министерством здравоохранения Республики Узбекистан медико-социальная акция, ставит своей целью совершенствование оказываемых представительницам прекрасного пола медицинских и социальных услуг, оказание медико-санитарной помощи женщинам фертильного возраста, беременным, детям, лицам, нуждающимся в постороннем уходе, одиноким престарелым, инвалидам, хроническим больным и социально уязвимым пациентам.

В месячнике, который проводится с 17 сентября до 20 октября, примут участие тысячи врачей общей практики и патронажных медсестер, специалисты узкого профиля. Помимо профилактических осмотров совместно со сходами граждан махалли будут изучены медико-социальное состояние семей, проблемы со здоровьем, факторы, способствующие возникновению заболеваний, а также выработаны соответствующие меры по устранению имеющихся недостатков. В рамках "Школ здоровья" пройдут встречи и "круглые столы" с из-

вестными учеными и врачами.

Целью организуемой акции – охрана здоровья населения, укрепление в семьях здорового образа жизни, своевременное выявление возникших заболеваний, реализация программ оздоровления, – рассказывает заместитель главного врача Юнусабадского районного медицинского объединения Раوية Нурметова. – В настоящее время на местах созданы необходимые условия для проведения медицинского осмотра. Семейные поликлиники обеспечены диагностическим оборудованием и средствами лечения, не-

обходимыми для проведения качественной ранней диагностики и лечения заболеваний.

Примером тому может служить работа семейной поликлиники № 56 Юнусабадского района. На сегодняшний день здесь создана рабочая группа из числа гинекологов, хирургов, невропатологов, эндокринологов, стоматологов и других специалистов.

В ходе месячника здоровой женщины будет проведен осмотр жителей махаллей "Буз сув", "Боги бустон", "Обод", "Посира", "Фирдоуси", "Янги тарнов" и "Бодомзор", – рассказывает главный врач поликлиники Хусниддин Насриддинов. – Благодаря этому пройдут обследование свыше 7300 женщин фертильного возраста и пенсионеры. Сотрудничество медиков с активистами махаллей результативно сказывается на реализации проектов оздоровления женщин фертильного возраста. В результате, с начала года медицинский



осмотр прошла основная часть населения, в том числе лица пенсионного возраста. Проведено лечение выявленных заболеваний. В рамках месячника будет уделено внимание повышению эффективности медико-социальной патронажной службы. Семейные

врачи и патронажные медсестры навещают пожилых людей, контролируют состояние здоровья учащихся академических лицеев, профессиональных колледжей и вузов.

Х. УБАЙДУЛЛАЕВ,  
Фото автора.

Газета муассиси:  
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир  
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 2596 нусха.  
Бюртма Г-937.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳамми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.